

ХУНАРМАНДЛАР ИШОНЧИГА КИРИБ...

Б.Умиров эса бир муддат ана шу ишончни оқлаш йўлида елиб-югуриб ишлади. Қабулга илтимос қилиб келувчилар кўпайгач, ўзгарди-қолди. Қандай бўлмасин, хунарманлар бераётган аъзолик бадалларига эга чиқиш, қўлга киритиш ҳақида бош қотирди...

6 бет

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА...

Уйига бориб, ўғирлаган мол-мулкнинг ҳисобини ола бошлади. "Ўҳ-ҳў, роса овим бароридан келди-да, ўзиям", деди тилла тақинчоқлар ва пулларни завқ билан томоша қиларкан. "Энди буларни қаерга яшириб қўйсам экан", дея ўйлай бошлади.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон Республикасида Ўқувчи ва Ўқувчиларнинг ҳуқуқлари



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 26-may, №21 (1010)

Электрон ҳукуматни жорий этиш асослари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда "Электрон ҳукуматни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад "электрон ҳукумат" ахборот тизими фаолияти ва жорий этилишини тартибга солувчи ахборот соҳаси қонунчилигининг амалиётга татбиқ этилиши самарадорлигини ошириш масалаларини соҳа мутахассислари ва экспертлар ўртасида кенг муҳокама қилишдан иборат бўлди. Давра суҳбатида 2013-2020 йилларда Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастурининг ижроси асосий муҳокама марказида бўлди.

Давра суҳбати давомида сўзга чиққанлар Комплекс дастурдаги тадбирлар миллий ахборот маконини янада ривожлантириш, "электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш ва жорий этишга қаратилган тизимли ва босқичма-босқич чора-тадбирларнинг асосини ташкил эти-

шини таъкидлаб ўтдилар. Комплекс дастур доирасида 2013-2020 йилларда умумий ҳажмда 2,1 трлн. сўмлик телекоммуникация технологиялари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 17 та лойиҳа, "электрон ҳукумат" маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратишга қаратилган 28 та тадбир ва лойиҳалар келгусида жамият ва давлат манфаатларини қондиришга қаратилган самарали АКТ инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Давра суҳбати иштирокчиларини аниқсра жорий йилнинг 10 июнидан кучга кирадиган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунни амалиётга татбиқ этиш масалалари билан боғлиқ саволлар қизиқтирди. Таъкидландики, ушбу қонун давлат бошқаруви тизимидаги маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, фука-

роларнинг талаб ва истакларини қондиришга қаратилган аниқ натижаларни қўлга киритиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Қонунда белгиланган давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва ошқоралиги таъминланди, "бир дарча" таъминланди асосида электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг доимий такомиллаштириб борилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбати яқини буйича Комплекс дастурнинг ижросини таъминлаш, хусусан, ўз вақтида электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг стандартларини, электрон давлат хизматлари кўрсатиш баҳолаш методикасини, электрон ҳукумат лойиҳаларининг самарадорлиги бўйича мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, электрон ҳукуматни амалга ошириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ ахборот соҳасидаги қонунларни амалиётга татбиқ этишни янада такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ бир қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Янграйвергин, сўнгги кўнғироқ!

Кеча республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида жаранглаган сўнгги кўнғироқ битирувчи ўқувчилар қалбини ҳаяжонга солди. Улар мактабни тамомаб катта ҳаётга қадам қўяётганидан эндигина учирма бўлиб, шодликдан осмонда чарх ураётган қалир-ғочлардек ҳис этади ўзини. Бу садо кўзлари чарақлаб турган биринчи синф ўқувчилари қалбида ҳам бонг уради. Улар улкан орзулар билан коллежу лицейлар томон парвоз қилишга шайланган ака-опаларига ўхшашга, улардек аъло ўқишга, "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадаларида фахри ўринларни эгаллашга интилади.




Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида эришилган ютуқлар, йил давомида ўқувчилар томонидан турли кўрик-танлов, фан ва спорт мусобақаларида қўлга киритилган муваффақиятлар, замонавий касб-хунарлар ҳақида маълумотлар акс этган стендлар, тўғрақларда яратилган буюмлар, деворий газеталар намойиш қилинди.

Ҳа, кеча байрамонга безатилган мактаб кучоғи оппоқ кўйлаги ёқасига "капалакча" таққан болакайларнинг, сочларига лента боғлаган жажж қизалоқларнинг чугур-чугурига, катта ҳаётга йўланма олаётган ёшларнинг шодон кулгиларига тўлиб кетди.

Барча тадбирларда фахрий устозлар, ўқитувчи ота-оналар йиғилганларни байрам билан табриклаб, 9-синфни тамомаётган ўқувчиларнинг кейинги ўқиш ва ишларида омад ёр бўлишини тилади.

Сўнгги кўнғироқ тадбирида сўзга чиққанлар ўқувчиларга Ватанин севиб, ардоқлаб, бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаши лозимлигини яна бир бор таъкидлашди.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Жаннат райҳонлари

Кўз қорачиғи, оила қувончи, жаннат райҳонлари, дея ардоқланадиган беғубор болажонларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш энг улуг ва муқаллас бурчимиз саналади. Республикамызда болалар ҳуқуқларини кафолатлайдиган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва махсус дастурлар бир талай.

Бу эса Президентимиз раҳнамолигида эртамиз эгаларининг камолотини ўйлаб амалга оширилаётган изчил ислохотлар юртимизда навқирон авлод тақдирига нечоғлиқ юксак эътибор ва гамхўрлик кўрсатилаётганини англатади. Бундай эъзоз ва эътибор мамлакатимизда ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг вайсийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради", дея қайд этилганининг ўзи фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Юртимиз тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиб бориши кўп жиҳатдан бугун камолга етаётган ёшларнинг ақл-заковати, билим тафаккури ва ғайрат-шижоатига боғлиқ. Шу тўғрисида ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ навқирон авлод тарбиясига энг устувор ва зифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий давлати даври бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эса ушбу жаҳадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири оналик ва болалик муҳофазасидир. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни мажбурий оммавий текширув йўли билан наслиқ касалликлар ва туғма нуқсонларни эрта аниқлайдиган "Она ва бола" скрининг маркази республикамизда биринчилардан бўлиб 1998 йилда бизнинг вилоятимизда фаолият бошлаган эди. Кўп ўтмай унинг қошида репродуктив саломатлиқни сақлаш маркази ҳам ташкил топди.

Оналик ва болалик муҳофазаси жорий йилда янада жадал сурбат ҳамда кенг қўлам касб этмоқда. Президентимиз томонидан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ва бу борадаги Давлат дастурининг тасдиқланиши мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси изчил амалга оширилишида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди. Хусусан, Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш сингари вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

/Давоми 3-бетда/

Бугун юртимизда тадбиркорлик давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари табора такомиллаштирилиб борилмоқда. Яратилган имкониятлардан, берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган, ривожлантираётган тадбиркорларимиз ҳам бисёр.

Нукус шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доир қарорлари

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли юртимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, хилма-хил мулк шакллари, тадбиркорликнинг янги, замонавий турлари вужудга келди.

Лицензиясиз фаолият оқибати

Хасан АХМАДЖОНОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Яккасарой туман бўлими
катта инспектори

Хаётдаги ўзгаришлар боис тадбиркорлик соҳасидаги айрим фаолият турлари қонун билан тартибга солинган ҳолда лицензияланганидан бўлди. Хусусан, бундай фаолият турига туризм соҳаси ҳам киритилди. Туризм билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олишлари талаб этилади.

Ҳамдам Мавлонов ва Жамшид Холиқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий ўқув юртини тугатмасдан тадбиркорликка қўл уришди. Улар биргаликда ташкил қилган "USTRAVEL" масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолияти маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият ҳамда бошқарув масалалари бўйича мижозларга маслаҳатлар беришдан иборат эди.

Бироқ улар МЧЖ фаолиятини туризм хизмати кўрсатишга буриб юборишди. Бунинг учун эса, белгиланган тартибда лицензия олишни хаёлларига ҳам келтиришмайдилар. Икковлон қилаётган ишлари ноқонуний эканлигини билган ҳолда, "Work and travel" АҚШ давлат дастури бўйича республикамизда таҳсил олаётган талабаларни чет элга дам олиш ва туризм соҳасига жўнатиш хизмати йўлга қўйдилар. Қисқа вақт ичида уларнинг хизматидан фойдаланувчиларнинг сони ошди. Лекин Х.Мавлонов ва Ж.Холиқов ушбу фаолиятни қонунийлаштириш ўрнига, мўмай даромад гирдобига фарқ бўладилар. Улар мижозлардан тушаётган нақд АҚШ долларларини ҳеч қандай қонуний ҳужжатларда акс эттирмай, чўнтақларига жойлайверадилар. Шу тариқа Х.Мавлонов ва Ж.Холиқов салкам 12 минг АҚШ долларини ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборадилар.

Текширишларда икки "шоввоз"-нинг қилмишлари ошкор бўлди. Суд Х.Мавлонов ҳамда Ж.Холиқовга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баробари миқдорда жарима жазоси тайинлаб, ҳукм чикарди.

Тадбиркорнинг йўли кенг

ижроси юзасидан доимий равишда назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш ишлари ташкил қилинган.

Жорий йил давомида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 62 та тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, 2 та ҳолатда назорат органлари томонидан ноқонуний текши-

ришлар ўтказилганлиги, 26 та ҳолатда давлат органлари томонидан фуқаролар мурожаатларига оид қонун талаблари бузилганлиги, 5 та ҳолатда 95,1 минг сўмлик ортиқча тўловлар ундирилганлиги, 25 та ҳолатда тадбиркорлар манфаатларини поймол қилувчи қарорлар қабул қилинганлиги аниқланди. Соҳада ўтказилган тадбирлар натижасида назорат қилувчи органларнинг қонунга зид бўлган 25 та ҳужжатига нисбатан протестлар келтирилди. Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва

Куаниш АСАНОВ,
Нукус шаҳар прокурорининг
ўринбосари

бунга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан 2 та тақдимнома киритилди. 28 нафар шахснинг маъмурий ва интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Хусусан, ер участкаси ажратилиш ва бошқа масалада мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда "Жисмоний ва юридик шахс-

ларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилганлиги, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига давлат хизматини кўрсатишдан асоссиз беш тортилганлиги ҳолати юзасидан Нукус шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарига ҳамда бош архитектори маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳада прокурор назорати тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга, улар фаолиятининг такомиллашувига тўсиқ бўлаётган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўз вақтида аниқлашга ва уларга нисбатан кескин чоралар кўришга қаратилмоқда.

Ҳушёрликни йўқотмайлик

Ўша кечада Аслиддин маст эди. Белгиланган қоидаларга кўра бу ҳолатда транспорт бошқарушига рухсат этилмаслигини яхши биларди. Маҳмадоналиқми, йўл посбонларига чап бериш истагидами, "Nexia"сига ўтириб, газни босди.

Насим КАРИМОВ,
Яккабоғ туман прокурори

Оқтошдан ўтаётган эди. Машинани нимагадир урилганини сезиб, кўз олди ярк этиб кетди. Пастга тушиб, бир ё икки эмас, йўл ёқасидан тинчгина кетаётган уч одамни уриб юборганини билганида эса дунё кўзига зим-зиё бўлди...

Оқибатда жабранувчилар Фанишер Жумановга оғир, Одил Низомутдиновга ўртача оғир ва Фазлиддин Норовга енгил шикаст етказди.

Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани судида Аслиддин айбига иккорулик билдириди. Жабранувчилардан кечирим сўраб, уларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини қайд этиб, суддан жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабранувчилар ҳам Аслиддин етказилган зарарларни қоплаганини,

унга нисбатан даъволари йўқлигини қайд этишиб, ярашувга розилик билдиришди.

Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан мазкур жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Ҳа, фалокат оёқ остида, дейди халқимиз. Аммо мавжуд қоидаларни назар-писанд этмай, сархуш ҳолда машина бошқариб, уч беғуноҳ одамга зарар етказган Аслиддин фалокатни ўзига ўзи чақириб олди. Аммо ҳаётимизда бахтли ва нурли ҳодисалар ҳам қўп бўлиши, дунёмиз хаёлда эмас, ҳаётда ҳам оппоқ бўлиб, жилва сочиб туриши ўзимизга боғлиқ.

Аслиддин "боши деворга урилиб", "оддийгина" эҳтиётсизлиги учун каттагина товон тўлади. Яхши ҳамқи жабранувчиларнинг жони омон қолди. Ҳа,

Айрим кимсалар гайриқонуний валюта савдоси жиноий жавобгарликни келтириб чиқаришини яхши билса-ла, нафси ҳақалак отиб, бу йўлдан ўзларини қайтара олмайдилар.

Икки дўстнинг «бизнеси»

Жавлон Ботиров ҳам пулни пулга уриштириб, даромад орттириш йўллари ҳақида астойдил бош қотиради. Бир тўхтама келгандан сўнг эса, дўсти Босит Хусановга кўнғироқ қилиб, мақсадини айтади. Кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек, дўсти ҳам Жавлоннинг таклифига хайрихоҳлик билдиради. Дастлабки "бизнес" учун иккаласи ўртага 10 минг АҚШ доллари ташлашади. Энди ушбу пулни сотиб, ишини юритиш мақсадида улар Зангиота тумани ҳудудидаги бозорлардан бирига ташириб буюришади. Бозор дарвозасининг бир четига бориб, "қоғоз борми, қоғоз алмаштирасизми", дея ўзларини "реклама" қилиб турган йигитларнинг ёнига фуқаро Муниса Холиқовга яқин-

Шавқиддин ЖУМАЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Зангиота туман бўлими
суриштирувчиси

лашади ва нарх-навои сўрайди. Аёлнинг "Менга 10 минг доллар керак", деган гапидан кейин йигитлар ҳаракатга тушиб қолишади. Хуллас, савдо пишади. Бироқ валютафурушларнинг "омад"и келмади.

Ж.Ботиров ҳамда Б.Хусанов 10 минг АҚШ долларини М.Холиқовга сотаётган пайтида СВОЖДЛКК департаментининг Зангиота туман бўлими ходимлари томонидан ушланди. Йигитлар ҳозиргина санаб олган пуллари уни ашёвий далил сифатида ихтиёрий топширди.

Уларга суд ҳукми билан жарима жазоси тайинланди.



Қимматга тушган тама

Фахриддин СУЛТОНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Маълумки, маънавиятли киши ўзининг жамиятга тугган ўрнини йўқотмаслиқ, мисқолаб йиғилган обрўсига путур етказмаслик учун ҳаёолиқни фаолияти мезонига айлантиради.

Ўқтам Давлатов ҳам айни шу фазилати туфайли ўзи ишлаб келган Бухоро вилоят назорат-тафтиш бошқармасида хурмат-эътиборга эга эди. Бироқ нима бўлди-ю, Ў.Давлатов ўзгариб қолди.

Бошқарманинг 2015 йил иш режасига биноан 2013-2015 йилларда пенсия қонуний асосларда тўғри тайинланганлигини текшириш учун Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Бухоро туман бўлими фаолияти кўриб чиқилди. Назорат тартибдаги текширишлар жараёнида бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, далолатномалар тузилди.

Ў.Давлатов Бухоро туманида яшовчи фермер Саттор Шониёзовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) онаси Шамсия Акрамовага жамғарма томонидан асоссиз равишда пенсия тўловлари ортиқча тайинланган деган хулосани рўқач қилиб, пора талаб қилади.

Шу йил 14 январь куни Ш.Акрамовага тайинланган пенсияни кўриб чиқмаслик, текшириш натижаларини қайд этмаслик "шарти" билан С.Шониёзовдан 200 минг сўм пулни тамагирлик йўли билан олаётган вақтда қўлга тушди.

Ўқтам Давлатовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва Когон шаҳар судининг ҳукмига биноан у 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Ҳа, арзимаган тама Ў.Давлатовга қимматга тушди. Бу хато унга умр бўйи сабоқ бўлса, ажаб эмас.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Жаннат райҳонлари



Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Шу жумладан, мазкур ҳужжатда, аввало, соғлом насл, соғлом она ва бола йўналишидаги ишларни амалга ошириш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш назарда тутилган. Бу дегани мамлакатимиз мустақиллигининг тарихан қисқа давридаёқ Юртбошимизнинг бевоқифа сазой-ҳаракати билан мамлакатимиз барқарор ривожланиш соҳасида БМТнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида муваффақиятли равишда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Ўз-ўзидан аёнки, бу жараёнда соғлом миллат тушуночасини чуқур ҳис этиш катта аҳамият касб этади. Чунки оналик ҳамда болалик муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратмасдан туриб, соғлом миллатни шакллантириш мумкин эмас.

Шунингдек, Давлат дастурда кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда айна соҳада қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига бино-


ан "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги Жамоат кенгаши фаолияти йўлга қўйилгани биргаликда аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар самардорлигига эришишда муҳим омили бўлмоқда.

Хусусан, вилоятимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" жамоатчилиги кенгаши ташкил этилиб, улар ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулиятини ошириш, ўқувчиларнинг дарсга қатнашишларини яхшилашда қўл келмоқда. 9-синфни тамомлаётган ўсмирларнинг таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олинishi, коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланиши масалалари ҳам жамоатчилик кенгашининг диққат марказида. Ушбу ҳамкорлик эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни диний экстремизм, гиёҳвандлик, "оммавий маданият" каби турли иллатлар таъсиридан асраш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига бормаёлик, у ерда болаларга кўрсатилаётган эъоздан қувончилик ортади. Зеро, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда ўша йилнинг 1 июлидаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол

авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларининг бош мақсади ҳам оилани мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросининг таъминланиши вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор олис ва



чекка қишлоқларда яшаётган аҳоли учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шарт-шароитлар яратилганиги, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламни қўлаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, болаларнинг соғлигини сақлаш ва таълим-тарбияси билан боғлиқ тадбирлар ижросини, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши таъминлашга қаратилмоқда.

Шунингдек, Дастур ижро-

сини тўлиқ ва сифатли таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳомиладор аёллар соғлигини сақлаш ва психофизиологик аҳолини яхшилаш, қизлар эрта турмушга чиқишининг олдини олиш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, бандлиги, соғлиги, бу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилиб, натижаси таҳлил қилиб борилмоқда.

Вилоятда истикомат қилаётган 3 миллион 25 минг 500 нафар аҳолининг 1 миллион 282 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишларини таъминлаш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз мақсад ва вазифаларини удралаб келмоқда. Хусусан, болаларни оммавий равишда спортга жалб қилиш, чекка ҳудудларда болалар спортини иншоотлари қуриш, уларни зamon талаблари даражасида жиҳозлаш, жойлар-

Дилфуза КУЧКОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ниқид»

уларда 3424 нафар малакали мутахассис ва мураббий спортнинг 32 тури бўйича ёшларга сабоқ бермоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 3 июндаги қарорига асосан 2016 йилда вилоятда 29 миллиард сўм маблағ ҳисобига 26 та иншоот, шу жумладан, 21 та мактаб спорт зали ва 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкция қилинади, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби капитал таъмирланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 354 та спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 41500 нафар спортчи ёшлар қамраб олинган. 2015 йилда ўтказилган 680 та халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларда вилоятимиз ёшлари 250 та олтин, 210 та кумуш ва 220 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Турли соҳаларда истеъдоду иқтидорини намойён этаётган ва чет давлатларнинг кўрик-танловларида голиб бўлаётган ўғил-қизларимиз "Мен Ўзбекистонданман" деганларига ва давлат мадҳиямиз янграганида ич-ичимиздан қувонамиз, уларга ҳавас қиламиз, қалбимиз гурур ва ифтихорга тўлади. Бундай гурур ва ифтихор туйғулари ҳаммамиз учун ниҳоятда қимматли, озодлигимиз сингари жуда-жуда қадри. Негаки, биз болалигимизда орзу қилишга ҳам қўрбимиз етмаган янги давр бугун кўз олдимизда юз очаяпти. Бу даврнинг тонглари янгиликларга, яхшиликларга тўла. Ҳар лаҳзаси мурадбахш, сониялари нурафшон. Шундай экан, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди", "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган саволлар атрофида мушоҳада қилишимиз, ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун барчамиз масъулмиз.

Болалар мароқли дам олди

Пойтахтимизнинг Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Қудратли юртнинг соғлом фарзандлари" шиори остида хайрия тадбири ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Чилонзор тумани бўлини ҳамкор-

лигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳридаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, имкониёти чекланган болалар таклиф этилди.

Буғ раҳбарининг ўринбосари С. Султонов, "Соғлом авлод учун"

халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари М.Маҳкамова ва бошқалар эътиборга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида зарур шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг қўламли эзгу ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Турли спорт беллашувлари, викториналар, асфальтга расм чизиб бўйлача ижодий танлов, концерт дастулла-

ри болаларга байрамона кайфият бахш этди.

— Бугунги тадбирда ҳомийлардан турли совға-саломлар олдик, — дейди Чилонзор туманидаги 2-Қатортол маҳалласида истикомат қилувчи Жасур Шожалилов. — Спорт мусобақаларида иштирок этиб, қўлаб дўстлар орттирдим. Бу каби тадбирлар янада яхши ўқишга, Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшишга руҳлантиради.

Шу кун боғдаги барча аттракционлардан болалар бепул фойдаланди. Куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача кўтаринчилик бахш этди.

Ҳаётимиз омили



Инсоният ҳаётини ерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг бутун фаолияти, тириклиги, ризқи ер билан. Шу боис ҳалқимиз азалдан ерни она замин дея эъзозлаб келади, ҳар бир қарчинни беҳад қадрлайди.

Дарҳақиқат, ер умуммиллий бойлигимиз ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофазат қилинади. Ер муносабатларини тартибга солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб ердан оқилонга фойдаланишни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва соҳага доир бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига амал қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандида ер ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузиши ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш "Ерредекадастр" давлат кўмитасининг асосий вазифалари этиб белгиланган. Шундай бўлишига қарамай, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти ҳамда масул ходимлари томонидан ерлардан оқилонга фойдаланилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида 181 та ҳолатда жами 974 гектар қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари қонунга хилоф равишда ажратилишига йўл қўйилган. Масалан, Қасби туманида бу борада 50 та, Чироқчи туманида 35 та, Косон туманида 32 та, Шахрисабз туманида 17 та қарор қонун талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Миришкор туманида ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия таркиби Ер кодексининг 34-моддаси талаблари доирасида шакллантирилмаган. Китоб туманида эса ана шу комиссия котиби вазифасини бажарувчи бирор-бир шахс кўрсатилмаган.

"Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фермер ҳўжаликлари юретиш учун ер участкалари очик танлов асосида ижарага берилиши кўрсатилган. Лекин текшириш

мобайнида вилоят бўйича 39 та ҳолатда ушбу талаб бузилганлиги, яъни очик танловлар ўтказилмаганлиги аниқланди. Масалан, Қасби тумани ҳокимининг 2015 йил 27 январдаги қарори билан "Фурқатов Мирулуғ" фермер ҳўжалигига 30,4 гектар ер майдони очик танлов ўтказилмасдан ажратилганлиги бу борада қонунчиликка риоя этилмаганлигининг яққол далилидир.

Фермерлик фаолиятини олиб боришда ер ижара шартномасини бекор қилиш зарурияти юзга келса, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддаси талабларига риоя этиш талаб этилади. Бироқ бу талабларга зид равишда, фермер ҳўжалиги раҳбарининг ер майдонини захирага қайтариш ҳақидаги ёзма розилиги ёки суднинг қарорисини ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Жумладан, Қашаши тумани ҳокимининг 2015 йил 9 ноябрдаги қарори билан "Niyoz bobo o'g'li Abduraxmon" фермер ҳўжалиги бошлиғи А.Норкуловнинг ер участкасидан иктирий воз кечтиш ҳақидаги аризаси ва комиссия хулосаси мавҳуд бўлмаса-да, узок муддатга олинган ер майдони туман ҳокимлиги захира фондига қайтарилган.

Ер майдонлари мақбуллаштирилиши ёки қўшимча ер ажратилиши жараёнида ҳам Ер кодексининг 53-моддаси ва "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси талаблари бузилганлиги аён бўлди. Масалан, Қарши тумани ҳокимининг 2015 йил 7 мартдаги қарорига асосан "Ортиқнос Носир Тожимуродович" фермер ҳўжалигига қўшимча 3,8 гектар ер майдони ажратиш жараёнида асосий равишда қайтадан 49 йил муддатга ижара шартномаси тузиш талаби қўйилган.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилишига рўхсат берилади. Бу талаб "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида ўз ифодасини топган. Бироқ баъзи туманларда ана шу талабга эътиборсизлик билан қаралганлиги маълум бўлди. Бир-

Бахтиёр ИСМАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

гина, Миришкор тумани ҳокимлиги томонидан баъзи фермер ҳўжаликлари ҳисобида чорва моллари мавҳуд бўлмаса-да, уларга жами 1152 гектар лалми ер майдонлари чорвачилик учун ижарага бериб юборилган.

Қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари беришининг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Косон тумани ҳокимининг 2015 йил 28 декабрдаги қарори билан фуқаро Ф.Уроқовга "Лолазор" МФЙ худудидан "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш" биноларини қуриш учун "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа-қийдирув ташкилоти билан келишилмаган ҳолда ер майдони ажратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуни талабига кўра, барча турдаги қурилишлар учун ҳужжатларни тайёрлашда экологик экспертиза хулосасини олиш талаб этилади. Бироқ Косон туманида 25, Чироқчи туманида 15 ҳолатда экологик экспертиза хулосаси олинмасдан қарорлар чиқарилишига йўл қўйилган.

Туман ҳокимликлари ҳуқуқшуносларининг асосий вазифаси қонунга зид ана шундай қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик эди. Бироқ уларнинг юқорида қайд этилган ноқонуний қарорларнинг қонунга мувофиқлиги хусусида хулосалар беришганлиги ачинарли ҳолдир.

Ўтказилган текширишларда баъзи фермер ҳўжаликлари бошлиқлари томонидан ер майдонлари талон-тороқ қилинаётганлиги аниқланди. Хусусан, Китоб туманидаги "Чехра" фермер ҳўжалиги раиси Ю.Мейлиев "Сарой" қишлоғида яшовчи фуқаролар С.Таниқулов, Ф.Тўраев ва Ш.Яндошевларга фермер ҳўжалигининг 0,40 гектар ер майдонини жами 2,6 млн. сўмга сотганлиги аниқланди ва унга нисбатан қонуний чоралар қўрилди.

Бундан ташқари, ер билан боғлиқ муносабатларнинг кўриб чиқилиши ўрганилганда ҳам "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари кўпол равишда бузиб келинганлиги аниқланди. Масалан, Косон тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мансабдор шахслари томонидан тумандаги фермер ҳўжалиги раҳбарларининг 423 та аризасини кўриб чиқиб натижалари ҳақида улар ёзма равишда хабардор қилинмаган.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 175 та протест келтирилди, қонун бузилиши, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 13 та тақдирнома киритилди, 2 та жиноят иши кўзга тилиди.

Ер майдонлари ажратилишида қонунчиликка қатъий риоя этиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Мамлакатимизда қонун устуворлиги, ерни қадрлаш ана шуни тақозо этади.

Ҳар бир инсон кимгадир мурожаат қилар экан, ўзи ёки кўпчилик учун аҳамиятга молик деб ҳисоблаган бирон масалани ўртага ташлайди, унинг ҳал этилишидан умидвор бўлади. Фуқаро ёки юридик шахслар давлат органларига мурожаат қилиш орқали ушбу органга ўз ишончларини ҳам намоён қиладилар.

Мурожаат ортида инсон тақдири бор

Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг тегишли корхона ва турли давлат ташкилотларига келиб тушадиган мурожаатларини ўз вақтида батафсил ўрганиб, ижобий ҳал этиш қонун устуворлигини таъминлашдаги асосий вазифалардан биридир.

Янгиариқ туман прокуратураси томонидан худудда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзасидан назорат ўрнатилган. Ўтган даврда туман прокуратурасига келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 78 таси бевосита прокуратурада ҳал қилинди. 15 та ариза муаллифларининг талаблари қаноатлантирилди, 17 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Қолаверса, ишонч телефони имкониятларидан тadbиркор ва фуқаролар самарали фойдаланмоқда. Шу билан бирга, туманда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш бўйича олиб борилган ишлар ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда фуқароларнинг мурожаатлари сони ортаётганлиги кузатишмоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганидан далилатдир. Ўз навбатида давлат органлари зиммасидаги масъулият ҳам ошган.

Бироқ ҳали ҳам бу борада айрим камчиликларга, қонун бузилишларига йўл қўйиш ҳолатлари кузатишмоқда. Жумладан, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида ўтказилган текширишда бўлим бошлиғи томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари узрли сабабларсиз бузилганлиги аниқланди.

Фуқаро ва юридик шахсларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилангани ҳолда, фуқаро қабули белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қўлай вақтда ўтказилиши ва фуқаролар эътиборига етказилиши таъминланмаган.

Мурожаатларни ҳал қилишда ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Туманнинг "Таган" қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Эгамовнинг собиқ "Эгамов Жавлон" фермер ҳўжалиги раҳбарига қишлоқ фуқаролар йиғинининг собиқ раиси Р.Рўзметов ва маҳалла раиси О.Рўзибоевлар тазйик ўтказиб, мажбуран ҳўжалик экин ерларини туман захирасига қайтариш ҳақида ариза ёздириб олганликлари ва ушбу ерни бошқа шахсга фермер ҳўжалиги қилиб берилганидан кейин, 2015 йилнинг ба-

Марсел АСХАДУЛЛИН,
Янгиариқ туман прокурори

хорида ушбу ерларнинг бир қисми 10-15 нафар фуқарога турар жой қуриш учун сотилганлиги сабабли чора кўриш ҳақидаги аризаси муносабат белгиси билан 2015 йил октябр ойида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи К.Собировага берилган. Аризада жиноят ҳақида хабар берилаётган бўлиб, бу юздан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши, бунга К.Собировнинг ваколати бўлмаса, тегишлилиги бўйича 5 кунлик муддат ичида ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларга юборилиши ва бу ҳақда муаллифга жавоб хати ёзилиши лозим эди. К.Собиров мурожаатга бепарволик, совуққонлик билан ёндашган. Ариза юзасидан тушунтириш хатлари олинмаган, аризада кўрсатилган ҳолатлар ўрганилмаган. Бошқа мурожаатлар ҳам шу тахлит ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёки масалалар ҳал қилинган тақдирда, муаллифларга тегишли тартибда жавоб қайтарилмаган. Мурожаатлар умумлаштирилиб, таҳлил қилиб берилмаган. Маскур ҳолат юзасидан К.Собировага нисбатан маъмурий иш кўзга тилиди ва суд томонидан жарима жазоси қўлланилди.

Суд ижрочилари туман бўлимида юқорида қайд қилинган ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунлар ижроси ўрганилди. Бўлимда бир қатор ишлар амалга оширилгани ҳолда, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, ундирувчи М.Атабоева томонидан 2015 йил 1 июнь кунги фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2011 йил 8 июлдаги қарорига асосан қарздор Ф.Жуманиёвдан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини мажбурий ижрога қабул қилиб, ижросини таъминлаб беришнинг сўраб ёзган аризаси бўйича муаллифга жавоб қайтарилмаган. Айрим аризаларга жавоб ёзилгани ҳолда рўйхатга олмастик ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ижро ишларини ўрганиш давомида алимент ундиришга оид бир қатор ҳужжатларда алимент пулларини ўз муддатида тўлашдан бўйин товлейган қарздорларнинг жиноий жавобгарлик масалалари ҳал этилди.

Аниқланган қонун бузилишлари юзасидан суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника хизматдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Хоразм вилоят худудий бошқармаси бошлиғи номига тақдирнома киритилди. Шунингдек, ушбу ҳолатга йўл қўйган суд ижрочиларига нисбатан маъмурий иш кўзга тилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Давлат бошқаруви ва унда прокурор назорати

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш биз қўрмоқчи бўлган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Бу жараёнда жамиятда ушбу вазифаларни амалга оширишга фаолияти йўналтирилган давлат органлари муҳим ўрин тутadi.

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни олиб боришлари белгиланган. Қонуннинг 4-моддасида эса, прокуратура органлари фаолияти йўналишларининг бири сифатида давлат бошқаруви органлари ҳисобланган вазириликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ваколати қайд этилган. Таъкидланганидек, прокурор назоратининг мазкур йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизimini тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан белгилаб амалган мамлакатда фаолият юритаётган республика давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ҳудудий органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган.

Мазкур Фармоннинг 1-бандига кўра, республика давлат бошқаруви органлари жумласига вазириликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурда ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари кирadi. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари сифатида 15 та вазирилик, 8 та давлат қўмитаси, 6 та агентлик, 3 та қўмита, 6 та марказ ва 7 та инспекция фаолият юритмоқда.

Фармоннинг 2-бандига кўра, республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўйбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сибасати амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва химоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқаруви тизimini фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертифицилаштириш ва стандартиштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божжона тўловларини йиғиш, давлат доирадаги тўловларни тақсимлаш йўли билан ҳазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Фикрни давом эттиришдан аввал "давлат бошқаруви", "давлат бошқаруви органлари", "давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан прокурор назорати" каби юридик терминларнинг илмий-назарий жиҳатларини изоҳласак.

Г.В.Атаманчукнинг фикрича, давлат бошқаруви объектив ва субъектив омилига эгадир. Давлат бошқаруви — субъективдир, чунки у инсонлар онги

ва ҳаракатининг махсулидир. Объектив нуктаи назардан эса, давлат бошқаруви "табиат — мақсад — функция — тузилиш — жараён — принциплар" кўринишига эга.

Давлат бошқаруви мураккаб ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

Юридик адабиётларда давлат бошқарувининг тизимлилик хусусиятига алоҳида эътибор берилadi. Чунки бу фаолиятга бошқарув актларини қабул қилувчи ва амалга оширувчи бошқарувчилар, шунингдек, фуқаролар ҳамда молиявий, ташкилий ва моддий ресурслар жалб қилингандир. Давлат бошқарувининг тизимлиги — белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни ва бошқарув функцияларини самарали амалга оширишни таъминлайди.

Г.В.Атаманчук давлат бошқарувининг учта зарурий белгисини кўрсатиб ўтadi:

- 1) бошқарув таъсири — давлат ҳокимияти кучига таянади;
- 2) давлат бошқарувининг жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олиши;
- 3) тизимлилик.

Б.Н.Габричидзенинг фикрича, давлат бошқаруви — бу давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан амалга ошириладиган бошқарув, яъни фуқаролик жамиятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий ва демократик давлатни мустаҳкамлаш соҳаларида амалга ошириладиган ижрочилик ва фармоий шериш фаолиятидир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан давлат бошқарувининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган:

- 1) давлат бошқаруви — ижро ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда қонун чиқариш ва одил судлов фаолиятдан шакли, усуллари ва мазмунига кўра ажралиб турадиган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. Давлат бошқаруви — бу қонунлар ва бошқа меъёрий (қонуности) ҳужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармоий шериш фаолиятидир;


- 2) давлат бошқаруви — ҳуқуқни қўллаш билан бир вақтда маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширади. Давлат бошқаруви органлари ҳуқуқ ижодкорлиги шунда намоеён бўладики, улар ваколат доирасида бошқа ҳуқуқ субъектлари (бошқарув объекти) учун мажбурий бўлган ҳулқ-атвор қондаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдикциявий фаолиятни юритадилар;

- 3) давлат бошқаруви — қонунларни ижро этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш зарурати юзга келган ҳамма жойда амалга оширилади;

- 4) давлат бошқаруви — бу ижро ҳокимияти функцияларинининг объектив қонуниятларига асосланган ва давлат манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган доимий ва режали фаолиятдир;

- 5) давлат бошқаруви — давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизimini ташкил этидиган ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;

- 6) давлат бошқаруви — вертикал ва горизонтал муносабатлар асосида ташкил этилади;



Давлатнинг бошқарув функцияларини амалга оширувчи асосий субъект — бу давлат бошқаруви органларидир.

Давлат бошқаруви органи — давлат функцияларини амалга оширадиган ва ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмнинг бўғинидир.

Давлат ўз бошқаруви органларини бевосита ташкил этади ёки уларни ташкил этиш тартибини белгилайди, функцияларининг асосий қондаларини ўрнатади, давлат номидан ва давлат манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши учун уларга маълум бир ҳокимият ваколатларни ўрнатади.

Давлат бошқаруви органлари:

а) давлат номидан ва давлат манфаатини кўзлаб ҳуқуқий акт чиқаради;

б) ҳуқуқий актлардан келиб чиқадиган талабларнинг ижро этилишини назорат қилади;

в) ҳуқуқий актларни химоя қилади, яъни ҳуқуқий актларда назарда тутилган талаблар бузилганда, мажбурлов чораларини қўллайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиниши устидан прокуратура органлари томонидан назорат олиб борилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг бирламчи вазифалари давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонуннинг устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ва қонун бузилишини бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан қонуний чоралар қўришдан иборат.

Ҳуқуқшунос олим Б.Х.Пўлатовнинг таъкидлашича, қонунлар ижроси устидан назорат асосини прокуратура органларининг давлат органлари ва бошқаруви соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорати ташкил қилади.

О.В.Воронин эса, "Прокурор назорати давлат фаолиятининг алоҳида кўриниши бўлиб, давлатнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш функциясини намоеён қилади. Прокурор назоратининг мазмунини прокуратура органлари томонидан давлат номидан назорат фаолиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда мамлакат доирасида амалда бўлган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан олиб бориладиган фаолият ташкил этади", деб таъкидлайди.

Оқордилагиларга кўра, прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари:

- 1) давлат номидан фақатгина прокуратура органлари томонидан назоратнинг амалга оширилиши;

- 2) ўзининг аниқ предметига эга эканлиги, яъни мамлакат ҳудудида амалда бўлган қонунларда назарда тутилган ҳолатларни ҳаётга татбиқ этиш устидан олиб боришга қаратилганлиги;
- 3) амалга оширишнинг асосий шакли назорат бўлиб, яъни тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатлари билан улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажа-

Завқиддин АМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тинловчиси, юридик фанлар номзоди

рилишини кузатиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш;

4) прокурор назоратини амалга оширишнинг асосий усули сифатида давлат ва нодавлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларнинг ижро этилишини текшириш ҳисобланади;

5) прокурор назорати уни амалга оширишнинг ўзига хос ҳуқуқий воситаларига эга: прокурор таъсир ҳужжатларини қабул қилиш; давлат мажбурловига асосланган турли хилдаги текширишларни ўтказиш; прокурор қарорларини бажармаганда жавобгарликка тортиш ва бошқалар;

6) прокурор назорати барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нисбатан татбиқ этилади;

7) прокурор назорати давлатнинг шундай фаолият йўналишики, у ҳамма вақт қандайдир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар прокурор назорати тушунчаси остида ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳасини назарда тутади. Уларнинг фикрича, прокурор назорати уни мустақил соҳа сифатида тан олиш учун барча хусусиятларга эга, яъни ўзининг предмети ва ҳуқуқий тартибга солиш усулига эга.

Прокурор назоратининг мустақил соҳа сифатидаги тушунчаси тарафдорларига, юқоридаги олимлардан ташқари, С.Г.Березовская, В.Н.Галузо, В.К.Звирбуль, И.И.Мартинович, М.Н.Маршуннов, В.Г.Мелкумов, В.С.Тадевосянлар сингари таниқли ҳуқуқшунос олимларни ҳам киритиш мумкин.

Прокурор назорати, Ю.Е.Винокуровнинг фикрича, давлат номидан амалга оширилиб, у айрим шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлари) номидан эмас, балки уларнинг барчаси номидан жамият манфаатларини химоя қилишга қаратилгандир. Прокурор назорати давлат фаолият йўналиши сифатида Конституция ва қонунлар талабларига риоя этилишини, бошқа қонун ҳужжатларининг қонунларга мос келишини текширишни ҳамда қонун бузилишларини бартараф этишни назарда тутади.

Олимлар фикрларини ўрганган ҳолда прокурор назорати — давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Ушбу фаолиятни прокуратура органлари давлат бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари ёки мансабдор шахслар амалга оширмайди. Бу фикрлардан анландаки, бирор-бир олим давлат бошқаруви органлари устидан прокурор назоратининг олиб борилишига айнан тўхталмаган. Вохоланки, давлат бошқаруви органлари устидан назорат — прокурор назоратининг ядросини ташкил этади.

Демак, "давлат бошқаруви органи", "прокурор назорати" тушунчаларини таҳлилдан келиб чиқиб, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан прокурор назорати деганда, қонун ҳужжатда белгиланган давлат бошқаруви органлари ҳисобланган давлат тузилмалари фаолиятида ўзларининг функция ва вазифаларини мамлакатимизда амалда бўлган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ аниқ ва бир хилда бажариш жараёнини доимий равишда ўрганиб бориш ва аниқланган қонун бузилишлар бўйича тегишли прокурор таъсир чораларини қўриш тушунилади.

Маълумки, валюта муносабатларини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз кетганда, албатта, валюта тизимини эркинлаштириш чора-тадбирларини изчилик билан амалга ошириш жараёнлари назарда тутилади.

Енгил даромад илинжида

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда валюта муносабатлари тизими ва унинг амал қилиш механизми сезиларли даражада эркинлаштирилди ҳамда эркинлаштирилмоқда. Жорий халқаро валюта операциялари бўйича эркин конвертациянинг таъминланганлиги, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорининг такомиллаштирилганлиги, валюта курсларининг унификацияланганлиги, валюта тушумлари мажбурий сотувининг такомиллаштирилганлиги, валютани чекловларнинг бекор қилинганлиги шулар жумласидандир.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, мамлакат ҳудудига баҳоларнинг барқарорлигини таъминлаш, қолаверса, кўпгина макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бевоқиф миллий валюта курсининг барқарорлигига боғлиқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикасида ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан миллий валютаимиз — сўмнинг барқарорлигини изчил таъминлаш ва унинг кадр-қиммати ошириб бориш даражасига боғлиқдир.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ва миллий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, республикага чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда

Шавкат РАҲМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи

унинг халқаро иқтисодий ва валюта-кредит муносабатларида тенг давқани таъминлаш каби долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ҳам миллий валютанинг барқарор муомалада бўлишига боғлиқ. Шунингдек, нархларнинг барқарорлигига эришиш орқали тегишли чет эл валюта захираларини вужудга келтириш каби ҳаётий муҳим вазифаларнинг ечимини топиш вазифаси ҳам миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида талаблар қўяди.

Шу мақсадда Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари томонидан миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, чет эл валютасининг ноқонуний олди-сотдиси билан эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада ўтказилган тадбирда Самандар Шаҳбозов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Абдулҳаким Икромов енгил даромад топиш мақсадида фуқаро Сабина Маҳмудовага 5200 АҚШ долларини "қора бозор" нархида келишиб, 30 млн. 680 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди.

Шунингдек, тадбир давомида Самандар Шаҳбозовнинг ёнидан валюта қимматликлари олди-сотдисидан тушган 54 АҚШ долларлари ва Абдулҳаким Икромовдан эса 55 минг 500 сўм пул маблағлари олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан тегишли жазоларини олишди.

Шокирбек Довурбоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Галлаорол туман бўлимида ишлар эди. У нафс балосининг қулига айланди-ю, ишидан айрилди.



Ножўя қадам

Нурулла АВАЗОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Галлаорол туман
бўлими сурштирувчиси

Ш.Довурбоев 2015 йилнинг август ойида фуқаро Ғулом Тиркашевдан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Галлаорол туман бўлиминингдан берилган 1 млн. 500 минг сўмга олинган қорамол учун ҳужжатларни тўғрилай бериш эвазига ундан 150 минг сўм пулни олган вақтда департамент ходимлари томонидан ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди. Суд жараёнида қонунбузар айбига тўлиқ иқрор бўлди. У фуқаро Ғулом Тиркашевга қорамол учун пул ажратиб тўғрисидаги ҳужжатларда камчиликлар борлигини айтиб, ундан барча камчиликларни бартараф қилиш эвазига 200 минг сўм пул беришини талаб қилганлигини тан олди. Суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди.

Эгрилик касри

Жамиятада фирибгарликни касб қилганлар бор экан, уларга алданганлар ҳам топилаверади. "Тушиб қолдим... шунча пулга куйдим... алдандим", деган гаплар кейинги вақтларда қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Аслида фирибгарларнинг тузоғига кўп ҳолларда қонунларимизни четлаб ўтиб, муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилган шахслар илинмоқда.

Фуқаро Омон Салмоновнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жияни жиноят кучасига кириб, озодликдан маҳрум этилади. Орадан маълум вақт ўтгач эса О.Салмонов пойтахтимиздаги кафелардан бирида ёши олтишдан ошган Маъруф Шерматов билан танишиб қолади. Ўзаро суҳбат давомида жияни ҳақида гап очади. Аввал ҳам бир марта фирибгарлик ортидан судланган М.Шерматовга гаразли фикр уйғонади. Унда бу борада "тажриба" етарли эди-да!

М.Шерматов ўзини Омонга янада яқин олиб, орадан

ишончли танишлари борлигини, агар рози бўлса, жиянини жазони ижро этиш муассасасидан чиқариб беришини айтади. Омон унинг таклифига рози бўлади. Шундан сўнг М.Шерматов кўл телефонидан гўёки танишларига кўнғироқ қилиб, гаплардан бўлади ва ушбу муаммо 6 минг АҚШ долларига битишини кистириб ўтади. Унинг гапларига лаққа тушган О.Салмонов орадан ул-тўрт кун ўтгач, минг АҚШ доллар келтириб беради. Лекин келишилган муддатда унинг иши битмайди. Ҳар сафар М.Шерматовга кўнғироқ қилганида пулнинг қолганини


ҳам олиб келса, иши ҳал бўлишини такрорлайверади.

Орадан ўтган вақт О.Салмоновни тарбиялаган бўлса, ажаб эмас. У М.Шерматов ваъда қилган иш ноқонуний эканлигини, фирибгарга рўпара бўлганлигини англайди.

Фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритмоқчи бўлган М.Шерматов СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда жабранувчидан 5 минг АҚШ доллари олаётган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди фирибгарнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Ҳунармандлар ишончига кириб...



Бирон-бир масъулиятли ишни ёки вазифани қабул қилиб олаётган инсонга нисбатан албатта ишонч билдирилади.

Афсуски, Бобур Умиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу ишончни оқлай олмади. Негаки унинг аввалги фаолияти ён-атрофдагилар наздида фидойиликнинг бир кўриниши бўлган экан. Авваллари бу шахс ҳунармандлар орасида яхшигина обрў-эътиборли киши эди. Шу боис, Вобкент туман "Ҳунарманд" бўлимига бошлиқ қилиб тайинланганида унга ишонч билдиришди, бошлиқ сифатида ҳунармандларнинг "иссиқ-совуғи"дан хабар олиб туради, деб ўйлашди.

Б.Умиров эса бир муддат ана шу ишонччи оқлаш йўлида елиб-юғуриб ишлади. Қабулига илтимос қилиб келувчилар кўпайгач, ўзгарди-қолди. Қандай бўлмасин, ҳунармандлар бераётган аъзолик бадалларига эга чиқиб, қўлга киритиш ҳақида бош қотиради. Ишонч ва масъулиятни унутди.

Юртимизда тадбиркорликка яратилаётган кенг имкониятлар, тақдим қилинаётган имтиёзлар ва солиқлар бўйича берилаётган преференциялар туфайли ёшларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиши учун замин яратилган.

Аmmo, ушбу берилаётган имконият ва имтиёзлардан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келаётган "уддабурон"лар ҳам учраб турибди. Жумладан, СВОЖЖДЛҚК

4 млн. 370 минг сўмини эса ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборди.

Шунингдек, тегишли ҳужжатларда, туман "Ҳунарманд" бўлими зиммасига фақатгина ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларга гувоҳнома бериши кўзда тутилган бўлса-да, Б.Умиров вилоятнинг турли туманларида яшовчи фуқароларга ҳам сохта ҳужжатлар асосида гуллу ва чоқли маҳсулотлар тикиш, ганч ўймакорлиги, каштачилик, сопол буюмларга безак бериш каби ҳунармандчилик йўналишларига оид гувоҳномалар бериб юбораверади. Улардан аъзолик бадали сифатида олинган 14 млн. 131 минг сўм пулларнинг 4 млн. 800 минг сўмини банкка топшириб, қолган 9 млн. 331 минг сўмини талон-торож қилади.

Б.Умиров бу қилмиши куни келиб фош бўлишидан бехабар эди, чоғи. Ўтказилган текширишда унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари фош этилди. Суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди.

«Уддабурон»

департаментининг Қизилтепа туман бўлими ходимлари томонидан Қизилтепа туман Агрорсервис ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Илҳом Назаровнинг аризасига асосан ўтказилган текширувда яна бир қилмиш фош этилди. Фуқаро Давлат Ниёзов битирувчини турли йўлар билан алдаб, унинг ишончига киргани ва "Миллий банк"нинг Қизилтепа туман филиалидан унинг номига 3 йил муддатга йиллик 10 фоиз устама тўлаш шарти билан 19 млн. сўм миқ-

Парвиз АРАББОЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қизилтепа туман бўлими
инспектори

дорда кредит маблағи олганлиги маълум бўлди. У олинган кредит маблағларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборди.

Ўзгани чув туширмоқчи бўлган Д.Ниёзовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман суди ўзининг одилона ҳукмини эълон қилди.

Халқ фаровонлиги ва осойишталиги учун

Прокуратура органлари томонидан аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган назорат тадбирлари ҳамда тергов ва суд амалиёти доимий таҳлил қилиниб, унинг натижалари асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар ва турлича ёндашувларни, шунингдек, қонунчиликдаги аниқланаётган бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, ўтказилган таҳлиллар натижасида:

— терроризмга қарши кураш чораларини такомиллаштириш;

— замон талабига жавоб бермайдиган, муқаддам қўлланилган, маънан эскирган асбоб-ускуна ва технологияларни марказлаштирилган маблаглар ҳисобидан харид қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

— уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш ҳамда паспорт-виза режимида риюя этилишига доир қонунчиликни такомиллаштириш;

— "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг асосий тушунчаларига таъриф бериш ва ЖПКнинг айрим моддалари билан ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида қонун лойиҳалари тайёрланди.

"Халқ сузи" газетасининг 2016 йил 26 апрель кунги сонида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эълон қилинди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 7 та кодекс ҳамда 17 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 175-моддасига киритилган ўзгартишларга Юртобшумиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 16 январдаги мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепциясида (1997 йил 29 августдаги Қонуни билан тасдиқланган) миллий хавфсизликка таҳдидлардан бири сифатида — иқтисодийнинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси пастлиги, бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетишига ва рақобатбардosh бўлмаган маҳсулотлар чиқарилишига олиб келаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шундай бир вазиятда Жиноят кодексининг "Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид битим тузиш" деб номланувчи 175-моддаси жиноят давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда содир этилгани тақдирда ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутди. Бу эса ўз навбатида, қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига номуносиб бўлиб, мавжуд норма жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имкониятини чеклайди. Ваҳоланки, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятлар (ЖКнинг 167, 176, 178-моддалари) 10, 12 ва 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазосини кўзда тутди.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси "мамлакатга нисбатан суиистеъмолчилик ва фирибгарлик" тарқасида ифодаланувчи давлат манфаати учун наф келтирмайдиган битимлар тузганлик учун бир мунча қаттиқ жазо чоралари назарда тутилганлигини кўрсатди. Хусусан, АҚШда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 10 млн. АҚШ доллари миқдорда жарима, Германия, Корея, Латвия ва Россияда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда 20 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш, Хитойда ҳаттоки давлат

хизматчиси содир этилган фирибгарлик жиноятининг қурбони бўлиши натижасида давлат манфаатига зарар етказилгани ҳолатида ҳам унга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, 7 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган.

Мамлакат манфаатига зид битим тузиш орқали содир этиладиган иқтисодий соҳасидаги жиноят учун жазо, унинг ижтимоий хавфлилик даражасига (жиноят оқибатида корхоналарнинг банкрот бўлиши, хорижий валютанинг ноқонуний ташқарига чиқиб кетиши, давлат кафолатига олинган кредитлар ва бошқа манбалар бўйича қарздорликнинг вужудга келиши ва ҳоказо) мутаносиб бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қайд этилганларни инобатга олиб, мамлакат ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмоний ишлатиб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологияларни олиб қиришининг олдини олиш мақсадида ЖКнинг 175-моддаси янги тахрирда баён қилинди ва жавобгарлик бир мунча кучайтирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур қонун нормалари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларига асло таъсир этмайди, сабаби ЖКнинг 175-моддасида кўрсатилган жавобгарлик мулк марказлаштирилган ва давлат кафолати остида олинган валюта маблаглари ҳисобидан сотиб олинди, давлат манфаатларига кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилган тақдирдагина келиб чиқади. Ушбу тушунча Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли қароридан ҳам кўрсатиб ўтилган.

Қабул қилинадиган қонунни амалда бир хилда қўллаш ва унинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида "муқаддам қўлланилган", "жисмоний ишлатиб бўлинган", "маънан эскирган", "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар каби атамаларни соҳалар миқёсида (саноат, ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо) ёритиб бе-

рувчи ҳуқуқий (қонуности) ҳужжатларини қабул қилиш, мисол учун, "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар сирасига юқори қувватда ишлайдиган, энергияни кўп харажат қилувчи, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлай олмайдиган асбоб-ускуна ва технологияларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонунларга киритилган янги нормалардан яна бири бу терроризмга қарши кураш чораларини янада такомиллаштириш билан боғлиқдир. Маълумки, терроризм ва диний экстремизмнинг замонавий шакли юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, замонавий техника билан таъминланганлиги, молиявий ресурсларининг мавжудлиги, ёшларни ўз домига оғдириш учун тарғиботнинг турли шакл ва услубларидан фойдаланиши билан ўта хавфлидир.

Республикамизда терроризмга қарши курашининг институционал асослари шакллантирилган бўлиб, Жиноят кодекси, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" ва "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Глобал хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир этувчи халқаро террористик ташкилотлар фаоллигининг ошиши, айрим шахсларнинг бошқа давлатларга террористик фаолиятда иштирок этиш учун чиқиб кетиши — "ажнабий жангари террорист" (АЖТ) деган тушунчанинг пайдо бўлиши ва оммалашиши амалдаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни янада такомиллаштириш талаб этилади. Ривожланган давлатларда (АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқалар) терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларига асосан ташкил этилган. Резолюцияларга мувофиқ

Умид МУХАМЕДОВ,
Бош прокуратура
Матбуот хизмати
бошлиғи ўринбосари

терроризмга алоқадор бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган операцияларни жиноят иши мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, муддатсиз даврга тўхтатиш ва мол-мулкларни музлатишни назарда тутди. Бундай ҳаракатлар бевосита банк-молия ташкилотлари ёхуд махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Қонун чет эл давлатларининг терроризмга қарши курашиши, шу жумладан, терроризмни молиялаштириш борасидаги қонун ҳужжатларини (АҚШ, Германия, Франция, Польша, Хитой ва бошқа МДҲ давлатлари) ўрганиш натижалари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, диний экстремизм

ғояларининг фаол тарқалиши, янги аъзоларни ёллаш, уларнинг бошқа давлатларга террористик ташкилотлар таркибида қуролли можароларда иштирок этиши каби терроризмнинг замонавий таҳдидларининг олдини олишга қаратилган. Шунингдек, диний экстремистик ва террорчилик ташкилотларининг рамзий белгилари ва атрибутларини тарқатиш ёки намойиш этиш мақсадида уларни тайёрлаш ва сақлаш ҳаракати учун жиноий жавобгарлик белгила-

ниб, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар бир мунча кенг очиб берилди. "Террорист" ҳуқуқий атамаси "АЖТ" фаолиятига оид хусусиятдан келиб чиқиб кенгайтирилди, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар", "мол-мулкни музлатиш" ва "операцияларни тўхтатиб туриш" каби тушунчаларга таъриф берилди.

Қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, республика саноатини илгор технология асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, халқ фаровонлиги ва тараққиёти учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мурожаатларни кўриш чиқиш самарадорлиги ортмоқда

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратди. Айниқса, электрон шаклда мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асоси мустақамланган ортиқча овозгарчиликка барҳам бераётди.

Пойтахтимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида бу алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазир-

лиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Мухаммадиев, Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ваколатли органларга мурожаат этиш

ҳуқуқи тўла таъминланаётди. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида"ги намунавий низом тасдиқланган. Адлия вазирлиги томонидан қонунга шарҳ тайёрланиб, чоп этилган.

Давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини самарали кўриб чиқиш юзасида ўзига хос тажриба тўпланди. Бу жараёнда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу қундалик ҳаётдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги, жамият ижтимоий ҳаёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, давлат органлари томонидан тегишли соҳаларда қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Давра суҳбатида Омбудсманнинг мурожаатларни кўриб чиқиш амалиёти хусусида маълумот берилди. Мазкур тузилманинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг маърузалари ва ҳисоботларини эшитишда парламент назорати функциясини амалга оширишда қўлланилади.

Мафқуравий иммунитет

XXI асрга келиб халқаро майдонда мафқуравий, гоъвий ва информатсион кучрашлар кучайиб бораётганлиги маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, юртношларимизни ва айниқса ёшларни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузуларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифасини ушбу соҳаларда ишларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда: "Бугунги замонда мафқура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо оғоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таъйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафқуравий таъйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда ил-лаб етиш ниҳоятда қийин".

Маънавий таъхид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, гоъвий ва информатсион хуружларни назарда тутиш лозим.

Бундай вазиятда маънавий

таъхидлардан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар инсонлар, айниқса, ёшларда ҳар қандай ёт мафқуравий таъсирга қарши муайян муносабатни ҳамма жойда ҳар доим намоён бўлишини таъминлаши лозим.

Таъхидлаш жоизки, диний экстремизм, сепаратизм, ақидапастлик ва терроризм билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жазо муқаррарлигининг таъминланиши ушбу турдаги жиноятларга қарши курашда ўта муҳим профилактик аҳамиятга эга. Лекин, жазолан оқибатини ушбу турдаги жиноятлар билан курашларида, унинг асл келиб чиқиш сабабларини эса инсонларда мафқуравий иммунитетни шакллантирмасдан туриб, бартараф этиб бўлмайди.

"Иммунитет" тушунчаси лотинча "immunitas" сўзидан олинган бўлиб, "бирор нарсадан халос этиш, озод этиш" маъносини англатади, яъни шахсни турли зарарли гоъвий таъсиридан ҳимояловчи тизимдир. "Иммунитет" тушунчаси дастлаб тиббиётда фойдаланилган бўлиб, организмнинг ўзини ўзи турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида мафқуравий иммунитет куйидагича ифода қилинган: "Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмидан унга қарши иммунитет ҳосил

қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жўз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафқуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жойил ақидапастларнинг "даъвати" ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона гоълар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказолмайди".

Педагогика фанлари доктори М.Куроновнинг таъхидлашича: "Мафқуравий тарбия талабанинг маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишигина эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишини, бу билимлардан замонвий ижтимоий ҳодисаларга мафқуравий курашлар воқеаларидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантиришга ўргатишни кўзда тутати.

Бу кўникмалар талаба дунёқарашини, билимларини миллий истиқлол гоъси — Ватан равақка, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик (толерантлик) нуқтаи назаридан секин-аста бойитиб бориш билан таъминланади".

Олима З.Касимованинг таъхидлашича, инсонларда мафқуравий иммунитет вайронкор ва бунёдкор гоъларнинг хоҳияти, фарқи ҳақидаги мафқуравий билим, унинг ҳис-туйғулари, иродаси, эгаллаган кўникма ва малакалари ёрдамида шаклланади.

Инсонда мафқуравий иммунитетнинг шаклланиши унинг ҳиссиёти ва иродаси билан боғлиқ жараёндир. Инсоннинг дунёқарашини, ҳиссиёти ва иродаси ҳамда ҳаракат ва амалий йўналишини ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан ва усулларидан бири — умуммиллий мақсадга муносабатни тарбиялашдир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, диний эътиқод энг оддий инсоний ҳис-туйғулар — кўркув, муҳаббат, нафрат, ғазаб, завқ олиш ва бошқа туйғулар билан боғлиқ бўлади.

Одатда, диний қарашлар, олим А.Ветошкин таъхидлаганидек, эътиқод қилувчи одамда инсонпарварлик ва эътиқод қаратилган, нозик ҳис-туйғуларни уйғотиб, инсоннинг маънавий оламини белгилайди. Лекин диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапастлик гоъларнинг дин никоби остида тарқатилиши оқибатида мазкур салбий гоълар ҳам эътиқод қилувчи шахсининг диний эътиқоди билан, ўз навбатида эса унинг ҳис-туйғулари билан боғланиб қетади.

Инсонларнинг диний эътиқодлари уларнинг ички маънавий дунёси, руҳий олами ва ҳиссиётлари билан боғлиқ

Мирзохид ДЕХҚОНОВ,
Бош прокуратура ОУК
тингловчиси

бўлганлиги сабабли, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапастлик гоълар билан заҳарланган шахсларнинг ақсарияти ушбу гоъларга мутаассибларча берилган бўлади.

Ўз навбатида, мафқуравий иммунитет ҳам, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапастлик гоъларига мутаассибларча берилиш каби инсоннинг ҳис-туйғуси билан бевоқифа боғлиқ эканлиги сабабли, фақатгина мафқуравий иммунитетни шакллантирибгина ушбу салбий унсурларнинг илдизи билан курашиш мумкин.

Демак, мафқуравий иммунитетни шакллантириш — муайян мафқуравий вазиятда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфатлари бирлигидан келиб чиқиб, ёт гоъларга зарба бериш малакаларини амалий чиниқтириш демакдир.

Мафқуравий иммунитет тарбияси стратегиясини белгилашда замонанинг бирорта долзарб муаммоси четлаб ўтилмаслиги лозим. Акс ҳолда ушбу муаммо масаласида ёт мафқуравий, гоълар тарбияти таъсирида ёшлар онгида бўлиш пайдо бўлиши мумкин.

Таъхидлаш лозимки, жамият ҳаётини мафқурадан бутунлай холи қилиш салбий натижаларга олиб келади ва хорижий таъхид амалиётида ушбу жараёни кузатиш мумкин.

/Давоми 10-бетда/

Қонун устуворлигининг самарали воситаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратура ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган бўлиб, бугунги кунда прокуратура органи зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфатларини ҳимоя қилиш каби масъулятли вазифалар юкланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан қонунчилик ижросини назорат қилишда прокуратура органларининг алоҳида ўрин тутиши эътироф этилиб, бу соҳада янада масъулятли вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон дунё учун очик, демократик давлат сифатида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ташки савдо соҳасидаги давлат монополиясига барҳам бериб, мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахслар учун ҳам, хорижий шериклар учун ҳам ўзаро ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар яратилди. Ана шундай вазиятда бундай ҳамкорликнинг ижобий жиҳатлари билан бирга, миллий бойликларимизни талон-торож қилиш, арзон-гаровга чет элга ташиб кетиш, ички бозорни эса сифатсиз, ҳатто халқ саломатлиги учун хатарли товарлар билан тўлдириб юбориш реал хавфи ҳам юзага келган эди. Шу сабабли ташки иқтисодий муносабатларда давлат назоратининг аҳамияти ниҳоятда катталиги унинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириб бориш зарурлиги аён бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, давлат бюджетини божхона тўловлари ҳисобидан тўлдириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товар-моддий бойликларининг чегаралар орқали ноқонуний олиб ўтилиши, контрабанда ва боххо-

на қондалари бузилишига қарши курашиш борасида муҳим вазифаларни бажариб келаётган божхона органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашда самарали ва таъсирчан прокурорлик назоратини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг божхона органлари фаолиятида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги буйруқлари асосида божхона органлари фаолиятида қонунларга аниқ ва бир хилда ўзи этилиши устидан прокурорлик назоратини ташкил этиш, соҳада прокурорлик назоратининг асосий йўналишлари, фаолият самарадорлигини оширишнинг усул ва шакллари белгилаб бериш билан бир қаторда жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўрсатилган.

Божхонага оид қонунности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларини юқори сифатлиликка эришти, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, божхона маъмуричилигининг барча босқичлари ва даражаларида норма ҳамда ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек божхона органлари томонидан тартибга солишнинг ошқоралигини ошириш мақсадида, тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит ҳужжатга айлантирилган, ўрнатилган ҳуқуқий норма ва қондаларнинг талкин

қилиниши ва қўлланилишида бир хиллики таъминлашга қаратилган янги тахрирдаги Божхона кодекси қабул қилинди.

Шунингдек, 2016 йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун ҳам имзоланди.

Божхона қонунчилигини бирхиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида, янги тахрирдаги Божхона кодекси ўзида амалдаги Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни билан бириштириди. Мазкур кодексга божхона назоратини ташкил этиш, божхона расмийлаштирувни амалга ошириш, божхона тўловларини тўлаш, рухсатнома бериш тартиби, шунингдек ташки иқтисодий фаолият қатнашчилари билан бўладиган муносабатларни тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳуқуматнинг алоҳида қарорларида мавжуд ҳуқуқий нормалар киритилди.

Янги тахрирдаги Божхона кодекси 12 та бўлим, 59 та боб ва 412 та моддадан иборат бўлиб:

— амалиётда қўлланиладиган божхонага оид норма ва қондаларни бир хилда талкин қилиш ва қўллашни таъминлаш;

— божхона сиёсати тамойилларини ишлаб чиқиш;

Жаҳонгир ХУСАНОВ,
Бош прокуратура ОУК
тингловчиси

— божхона жараёнининг барча иш-тирокчилари ваколатларига ва уларнинг ўзаро муносабатларига уларни қўллашнинг шаффоқлигини таъминлаш;

— божхона тартиботига юклари расмийлаштириш мuddатларига аниқлик киритиш ва субъектив омилларни истисно этувчи интерактив хизматларни тақдим қилган ҳолда автоматлаштирилган коммуникацион технологияларни жорий қилиш учун ҳуқуқий асосларни шакллантириш;

— Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказиладиган божхона қонунчилигини бузиш учун жавобгарлик нормаларини чиқариб ташлаш;

— божхона чегарасидан товарларни олиб ўтиш ва уларни муайян божхона режимига жойлаштириш процедураларини тартибга солиш йўналишларидаги ҳуқуқий асосларни шакллантиришга қаратилган.

Мазкур кодекс ташки иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг, ички бозорни сифатсиз ва контрабанда маҳсулотларидан ҳимоя қилишнинг, ҳўжалик юртурувчи субъектлар, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг жаҳон бозорларига чиқиши учун қўшимча қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Ошиқ қиёфасидаги қотил

Садирали Солиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шаҳардаги МЧЖлардан бирига тегишли "Дамас" русумли автомобилни ижарага олиб, "Кўқон-Тошкент" йўналишида юк ташиш билан машғул эди. Ижара ҳақидан орттириб, яхшигина пул ишлаб олаётганли.



Анваржон АДҲАМОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Hudud»

Одатдагидек ўтган йилнинг 8 август куни юк ортиб, йўлга чиқди. Юкни манзилига етказиб бериб, келаси куни эрта билан Кўқонга, уйига қайтиб келди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Рафикасининг қўл телефони жавоб бермади. Қариндошларига телефон қилди. Ўғли билан қизи қайсиинглисининг уйида экан. Улардан "аянгиз қани", деб сўради. Қизи Шахло икки кун олдин кечаси қаергадир кетиб, қайтиб келмаганини айтди. Ойсанамни таниш-билишлари, қариндошларидан сўраб-қуриштирди. Топилмагач, 12 август куни шаҳар ИИБГА хотини йўқолиб қолгани ҳақида ариза ёзиб берди. 13 август куни Ойсанам Солиевнинг жасади топилиб, жиноят иши кўзгатилиди. Орадан кўп ўтмай қотил ҳибсга олинди.

Бу кимса йигирма ёшида судланган бўлиб, ўшанда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Жазони ўташдан бўйин товлагани туфайли икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Озодликка чиққанидан кейин кўп ўтмай такроран босқинчилик жиноятига қўл ургани учун суд томонидан Хўжамберди ўн йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилинган. Амнистия акти қўлланилиб, ҳазо муддати қисқартирилган ва қилмишидан афсуснадомат чеккандай бўлиб кўринган маҳбўсга яна муруват кўрсатилиб, озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўтал-

маган қисми ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган эди.

Хўжамберди ўтган йил баҳорда уяли алоқа воситаси орқали Ойсанам билан тасодифан танишиб қолади. Шум ниятли, гапга чечан йигит ғойибона ошиқ ролини маромига етказиб уйнади. Ёшлиқ қилиб, хато қилган, ёмон кимсаларга қўшилиб қолган, бундан кейин ҳалолу пок яшашга азму-қарор қилган ошиқу бекорор қиёфасига кирди. Ишламай уйда ўтирган, бекорчиликдан зериккан, бир ўғил ва бир қизи бўлса-да, "саргузашталаб" ёш аёл ғойибона ошиқининг дил изхорларига ишонди. Ҳеч кимга билдирмасдан, телефонда гаплашишни қанда қилмади.

"Ойсанам билан ўтган йил июнь ойида кўришдик. Телефонда гаплашиб турганимизда, "йигирма яшар қизман", деган эди. Ёши каттароқ, турмушга чиққан, икки нафар фарзанди бор экан. Аввалига орани очик қилмоқчи бўлдим. Лекин Ойсанам менга ёқиб қолди. Тез-тез кўришиб, гаплашиб юрдик." (Судланувчи Х.Сойиповнинг кўрсатмасидан).

Ойсанам Тошкент вилоятининг Зангиота туманига келин бўлиб тушган жияни Ханифахоннинг уйига сερкатнов бўлиб қолади. Қариндошлари, яқинларига билдирмай, ғойибона дил изхорлари кўнглини ром этган собиқ маҳбўс билан кўришиб туради.

"Ёзда Ойсанам холам ўғил-қизи билан меҳмон бўлиб келди. Кечки пайт концертга

бордик. Кечаси ўн яримларда қайтаётганимизда холам "Болаларни олиб кетаверинг, бир танишим билан учрашишни керак", деди. Жияларим билан уйга кетдим. Ухлаб қолганим, холам қачон қайтди, билолмадим. Эрталаб уйгонганимда ухлаб ётган экан". (Гувоҳ Н.Комилованинг суддаги кўрсатмасидан).

Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиғини топган ҳолатларга кўра, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув қишлоғида яшовчи, йигирма беш ёшга кирган, босқинчилик қилиб икки марта судланган Х.Сойипов ўтган йил июнь ойида Кўқон шаҳрига келади. Қўл телефонига Ойсанамни учрашуга таклиф қилади. У уйда ёлғиз эди. Турмуш ўртоғи "Дамас" машинасида Тошкентга юк олиб кетган, эрта ёки индинга қайтади. Аёл ўғил-қизини қариндошининг уйига элтиб қўйиб, кечаси Хўжамбердининг ҳузурига ошиқади.

"Тунда кимсасиз, холи жойда кўришдик. "Сизни яхши кўраман, ишга жойлашгач, олиб кетаман", дедим. Қаршилиқ қилмади. "Пулдан қийналиб турибман, қарз бериб туринг, ишга жойлашсам қайтариб бераман", дедим. У уйдан 100 АҚШ доллари олиб чиқиб берди" (Судланувчи Х.Сойиповнинг кўрсатмасидан).

Икки бор судланган, босқинчи бир неча марта Кўқонга келиб, Ойсанам билан пинхонда кўришади. Қуюқ ваъдалар билан ёш аёлнинг эс-ҳушини ўғирлайди. Қарзга яна 200 АҚШ доллари сўраб олиб, Тошкентга йўл олади. 2015 йил август ойи бошида Данғара туманидаги қариндошининг уйида меҳмон бўлиб келади.


"Судланувчи Хўжамберди Соийпов жияним. 4 август куни кириб келди. 8 августга бизникида яшади. Телефонда ким биландир гаплашиб турди. 8 август куни ҳам менинг телефонимда гаплашди. "Ким у", деб сўрасам, "Ях-

ши кўрган қизим", деди. Кечаси уйғониб қарасам, Хўжамберди чиқиб кетибди. Қайтиб келмади. Кейинроқ ИИБ ходимлари келиб, қўл телефонини сўраб олишди. Уйимиздан нарироқда аёл мурдаси топилганини айтишди. Ўша куни тунда жияним бир аёлни ўлдириб кетган экан" (Гувоҳ М.Шарипованинг кўрсатмасидан).

Х.Сойипов аёлдан олган қарзларидан бирийўла қутулиш режасини тузади. 8 август куни кечки ўн яримларда Данғарадаги автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ёнига 400 минг сўм пул олиб келишни тайинлайди. "Уч-тўрт кунда қарзларимни бирийўла қайтариб бераман", деб ишонтиради. Тун ярмида аёл билан кўришиб, 400 минг сўм пулни олади. Газ қуйиш шохобчаси ортига бошлайди. Тунги соат икки ярим. Теварак-атроф жим-жит, ҳеч зог йўқ. Сочларини сийпалаган-дек бўлиб, бўйнига шартта чанк солиб, бўға бошлайди. Жон берганига ишонч ҳосил қилгач, тилла узук, зирак ва бошқа тақинчоқларини ечиб олади. Сўнгра чуқур қавлаб, жасадини кўйиб қўяди. Тошкент вилоятига қайтиб, марҳумадан ечиб олган тақинчоқларни танишлари орқали пуллайди.

Такроран товламачилик, босқинчилик, қотиллик жиноятларини содир этган, ўта хавфли рецидивист деб топилган Х.Сойипов 19 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ўрганган кўнгили ўртанса...



Норбой аввал ҳам бир неча бор ўғирлик қилиб судланган. Унга ёшайига ҳисобга олиниб, қилган хатоларини тузатиш имкони берилди. Ўқиб-ўрганиш, ҳалол ишлаш учун шароит яратилди. Аммо у берилган имкониятлардан тўғри фойдаланмади. Ўрганган кўнгили ўртанса қўймас, деганларидек, ўғирликни ўзига қасб қилиб олди.

У Самарқанд шаҳридаги кўчаларнинг бирида юриб бораркан, ҳашаматли, ўзгача қурилган уй эътиборини тортди. Уйни кўриб, "Бой бўлса керак, шу уйга ўғирликка кирсаммикан?" — деган хаёлга борди. Бироз вақт уйни кузатиб турди. Атрофда ҳеч ким йўқ.

Шу пайт хонадон эгалари машинага ўтириб қаёққадир кетишди. Норбой

учун бу айна мударо эди. Тезда ишга киришди. Ҳовли деворлар билан баланд, ошиб ўтишнинг иложи йўқ. Қараса, деворга яқин симёғоч турибди. Унга тирмашиб баландроққа чиққач, девор оша ҳовлига сакради. Ҳовлига тушиб, уй эшикларини бир-бир тортиб кўрди. Эшиклардан бири қулфланмаган экан. Қулфланмаган хона ичига кириб, жавонларни титкилаб, ағдар-тўнтар қилиб юборди. Ниҳоят, у излаган нарсасини топди. Жавон пастида турган сумка ичида пул бор эди. Норбой чўнтағида олиб келган пакетига 8 млн. сўм пуллари шоша-пиша жойлади.

Шу пайт кетишга тараддулланиб турган ҳам эдики, кўзи четда турган кичкина темир сейфга тушди. Дарҳол ҳовлига чиқиб, темир бўлага топиб келди. У билан сейф қулфини бузиб, 34 минг 900 АҚШ доллари ва 58 млн. 750 минг сўмлик 14 турдаги тилла тақинчоқларни, баҳоси 1 млн. 750 минг сўмлик "Samsung" русумли уяли телефон, жами 144 млн. 197 минг сўм миқдоридаги мол-мулкни пакетга жойлади.

Ортига қайтиб, ҳовлидаги дарахт орқали девордан олиб, кўчага чиқди. Уйига бориб, ўғирлаган мол-мулкнинг ҳисобини ола бошлади. "Ўх-хў, роса овим бароридан келди-да, ўзимам", деди тилла тақинчоқлар ва пуллари завқ билан томоша қиларкан. "Энди буларни қаерга яшириб қўйсам экан", дея ўйлай бошлади. Шундан сўнг

ўртоғи Бунёдга кўнғироқ қилиб, чақирди.

— Тинчликми, нима гап?, — деди кириб келган Бунёд.

— Мана шу тиллалар сенда турсин, керак бўлганида оламан, — деди Норбой.

— Ие, бунча тиллани қаердан олдинг? Ишқилиб тилла магазини ўмармадингми?, — деди шунча тилла буюмини кўриб, кўзлари қувнаб кетган Бунёд.

— Топдим-да, — деди Норбой кўлидаги телефонни кўз-кўз қилиб. — Узумини егин, боғини суриштирма.

— Телефонинг ҳам зўр-ку, сотмайсанми?, — деди Бунёд.

— Сотаман, фақат нархини келиша оласак бўлгани.

Улар савдолашиб, телефонни 200 АҚШ долларга нархлашди. Ўғирланганлигидан беҳабар Бунёд телефонли бўлиб қолди. Шундан кейин Норбой ўғирланган пуллар эвазига анча вақт ялло қилиб юрди. Янги кийимлар харид қилди. Хар куни ресторону, дискотекалардан бери келмай қолди.

Пулларни совириб юрган кунларининг бирида шаҳардаги маҳаллаларнинг бирига иш билан бориб қолди. Кўчада кета туриб, бир ховли дарвозасидаги катта қулфга кўзи тушди. "Дарвоза қулф, демек уйда ҳеч ким йўқ", хаёлидан ўтказди Норбой. У анча вақт кўчада айланиб юриб, кеч бўлишини кутди. Ниҳоят қоронғи тушиб, кўчада одам қолмаган бир пайт-

Дилшод Жўраев,

Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

да ҳовлига яқинлашди. Дарвоза қулфини бузиб, ҳовлига кирди. Эшикларни очолмагач, дераза орқали уйга кирди. Ётоқхонадаги жавондан 500 минг сўм пул ва тилла тақинчоқларни олди. Каравот тағидан 800 АҚШ доллари топди. Хуллас, 15 млн. 408 минг сўмлик мол-мулкни олиб, секингина дарвозадан чиқди-кетди.

Эртасига таниши Шаҳнозага учрашди.


— Менга пул жуда зарур бўлиб қолди, — деди у вазиятни тушунтирган бўлиб. — Шунинг учун мана бу тилла тақинчоқларни сотмоқчиман. Ишим кўплиги боис, вақтим бўлмаяпти. Сен шуларни сотиб бер, рози қиламан.

Бу таклифга Шаҳноза ҳам рози бўлди. Тилла тақинчоқларни заргарлик дўканига бориб, 3 млн. 200 минг сўмга пуллади.

Норбой бу ҳаракатларини яна давом эттиришни кўзлади. Ахир осонгина топилаётган бойликлар унга ёқиб қолган эди. Бироқ, унинг қинғирликлари фош бўлди. Жабрланувчилар аризаларига мувофиқ тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Норбой Нурбоев қўлга олиниб, суд ҳукми билан 8 йил-у 7 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундирилмаган бўлди.

Мулк ҳуқуқи дахлсиздир



Мулк ҳуқуқи, хусусан, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг йирик институтларидан бири сифатида иқтисодий муносабатлар тизимида ўзига хос ўринга эгадир. Мамлакатимизда мулкчилик шакллари қонун билан мустаҳкамланган. Ўз навбатида, амалиётда келиб чиқаётган мулкчилик нисбатан доираси кенгайиб бораётганини, хусусан, уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини юзга келтириш билан боғлиқ шартномаларнинг қонунийлигига бўлган талаблар фуқаролик ҳуқуқининг давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда ва ҳозирга келиб ушбу ҳуқуқ соҳасини мукамаллаштириш, уни ўрганиш борасида доимий изланишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат мулкчи объектларининг катта қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ҳолат кишиларда мулкча нисбатан эгаллик ҳиссини кучайтириб, уларда ташаббускорлик кайфиятини уйғотди.

Дарҳақиқат, жамиятдаги мавжуд моддий неъматларнинг тўғри тақсимланган-тақсимланмаганлигига қараб жамият ва давлатнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Бу ҳол мамлакат раванқиди, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда аққол кўзга ташланади. Зеро, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида моддий неъматларнинг қай даражада бўлинганлиги энг муҳим омил саналади.

Мавжуд муносабатлар яқин ўтмиш билан таққосланса, чуқур таҳлил қилинса, кишилар мулкдан сунъий равишда "беғоналаштирилган"ни кузатиш мумкин.

Собиқ иттифоқ даврида уй-жойларни эркин сотиш, баъзида эса қайтадан сотишга фақатгина шубҳа билан қаралган ва бу ҳолат сотувчининг ҳақиқий эҳтиёжларидан дарак бермайди, деб ҳисобланган. Шу сабабли ҳам 1963 йилги Гражданлик кодексининг 257-моддасида гражданнинг (ўша давр тили билан айтганда) ёки унинг билан бирга турувчи эри ёки хотинининг ва уларнинг вояга етмаган болаларининг шахсий эгаллигида бўлган уй-жой (ёки унинг қисми), мулк эгаси томонидан уй йил мобайнида бир уйдан ёки бир уй

қисмидан ошиқ уй-жой сотилмаслиги шартли билан олиш-сотиш нарсаси бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Граждан томонидан уй-жойни уч йил мобайнида бировага бир мартадан кўп ўтказиш ҳолатига, "райжроком"нинг рухсати билан, узрли сабаблар бўлган тақдирда йўл қўйилган.

Ўша давр қонунчилигининг яна бир хусусияти шунда эдики, қонунчиликда уй-жой олди-сотди шартномаси институт чекланган бўлиб, фуқароларга "шахсий мулк" сифатида битта уй-жой (ёки унинг қисми) тегишли бўлиши ва уларнинг майдони 60 м²дан ошмаслиги белгиланган эди.

1990 йил 31 октябрда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги ва 1991 йил 19 ноябрда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонунда биринчи марта мулкчи ҳуқуқ тан олинди ва қонун билан муҳофаза этиладиган категория эканлиги, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши белгиланди. Мулкдор ўз мулкидан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширадиган бўлди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди, барча мулк шаклларининг тенглиги ва баб-баравар ҳимоя қилиниши, кўчмас мулклар эркин муомалада бўлиши учун қонуний асос яратилди ҳамда хусусий мулк

ҳуқуқи дахлсизлиги қонун билан кафолатланди.

1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси кўчмас мулкларнинг фуқаролик муомаласида бўлиши, уларни олди-сотди битимлари орқали тасарруф этишининг ҳуқуқий тартибини белгилаб берди.

Истиқлол йилларида амалга оширилган тизимли ислохотлар, тадбирлар давлатнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартирди. Чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат (давлат органлари ва мансабдорлар шахслар тимсолида) эндиликда иқтисодий, ҳўжалик алоқаларига ортқича аралашавармайдиган, энг муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларда ўз сўзини айтадиган тўзимла бўлиб қолди. Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг иқтисодий моделида ўтиш даври мураккаблиқлари боис, давлатнинг сезиларли таъсири мавжуд бўлди. Аммо аста-секинлик билан аввалги маъмурий тартиблар ўз ўрнини фуқаролик-ҳуқуқий воситаларга бўшатмоқда. Иқтисодиётда давлат иштирокни камайитириш йўлидан борилиб, шартномавийлик, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, хусусий ишларга ўзгаларнинг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги, товарлар, хизматларнинг ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ислохотларнинг ушбу жиҳатларини ҳуқуқий таъминлашнинг яна бир ҳуқуқий асоси — турар жойларни хусусийлаштиришни махсус тартибга солган "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги 1993 йил 7 майда қабул қилинган Қонундир. Мазкур қонуннинг 1-моддасига асосан давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш деғанда, фуқароларга уларнинг ихтиёрига қараб давлат уй-жой фондининг улар эгаллаб турган ёки янги қурилган кватираларини, уйлари (уйларининг бир қисмини) сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ёки текинга мулк қилиб бериш тушуллади.

Дилмурод КОБУЛОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК тинловчиси

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асослари ва тартибини белгилаб берди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ уй-жойларга нисбатан ҳуқуқлар нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган.

Ўтган даврда уй-жойларни эркин тасарруф этиш учун ҳуқуқий асослар ва фуқаролик муомаласида бўлиши учун қонуний имкониятлар яратиб берилди. Уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқининг муҳим элементи ҳисобланган тасарруф этиш ҳуқуқи кафолатланди. Эндиликда мулкдор ўз хоҳишига кўра ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жойларни олди-сотди ёки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий усулларда тасарруф этиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти чуқурлашуви жараёнида уй-жойларнинг фуқаролик муомаласига киритилиши фуқаролик муомаласи иштирокчиларига бир қатор имкониятлар яратиб беради. Кўчмас мулклар, жумладан уй-жойлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида айнан мустақилликка эришилгандан сўнг киритилди. Чунки иқтисодий ўзгаришлар, кенг кўламли ислохотлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қатор ўзгаришлар бўлишини ҳам таъқоз элди. Уй-жой билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва ривожлантириб борилади. Ҳозирги кунда ҳам уй-жой билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда қатор ҳужжатларни тақомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб турибди. Фуқаролик қонунчилигида бугунги кунда уй-жой олди-сотди шартномасининг легал таърифий йўқ. Бу каби илмий-амалий ишларимизда тадқиқотчилар мавзу предметдан келиб чиқиб, илмий-доктринал таъриф бериши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳар бир тарихий ривожланиш босқичида уй-жойларнинг олди-сотди шартномаси предметига, унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши алоҳида тарзда ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўтган йиллар мобайнида мулкчилик муносабатлари янгича маъно касб этиб, кўчмас мулкларнинг бир тури сифатида уй-жойларни фуқаролик муомаласида бўлиши учун кенг имкониятлар ва қонуний асослар яратилди. Уй-жойларга нисбатан ҳуқуқларни расмийлаштириш ва бир шахсдан бошқа шахсга эркин ўтишига доир қонун талабларининг мавжудлиги, фуқаролик муомаласи қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаверади.

[Давоми. Бошланиши 8-бетда]

Мафкуравий иммунитет

Ўтган асрнинг 60-70 йиллари Фарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи этишга уринилар. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бўлиш ўз асоратларини кўрсата бошлади. Бу ҳақда нуфузли немис нашрларида: "Ҳозирги ёшларимиз ўртасида лоқайдлик, руҳсизлик, бефарқлик, англалмаган норозилик, беқарорлик кайфиятлари тарзида намоён бўлаётган "ёшлар маданияти" деб аталувчи хатти-ҳаракатлар кучаймоқда. Бу — ёшларнинг ўз аждодлари ижтимоий ва маданий қадриятларидан беғоналашганликларининг белгиларидир", — деган ташвишли

фикрлар билдирила бошланди. Натижада "мафкуравий янгилашув", "қайта мафкуравийлашув"га кучли зарурат тугилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқа, Фарбий Европа ва АҚШнинг позитивистик педагогикаси ижтимоий қадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи "мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялаштириш амалга ошириш" концепциясини ишлаб чиқиб, амалга ошира бошланди.

Тарбиёт тадбирлари узлуксиз таълим тизимидаги муассасаларда доимий тарзда ўтказилган тақдирдагина ўсиб келаётган ёш авлодни тўлиқ қамраб

олиши ва таъсирчан аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда ўн икки йиллик таълим мажбурий ҳисобланади ва шу сабабли таълим олиш жараёни даврий равишда барчани қамраб олади.

Бунинг учун таълим муассасаларида умуминсоний қадриятларни улугловчи, тинчликни тарғиб қилувчи соф диний ақидалар билан диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоъларни ўртасидаги фарқни ажратиб бериш, мазкур гоъларнинг асл диний ақидаларга зид эканлигини очиб бериш тарғибот тадбирлари тизимли равишда

таъсирчан ва мунтазам ўтказиб борилиши ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада тақомиллаштиришда ижтимоий тўғмас ва имтиёзлар бериш кўрсаткичи" Қарори талаблари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим.

Мазкур қарор ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатарларидан ҳимоя қилиш,

мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кулларнинг ёвуз ҳаракатлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини оширишга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу мақсадда, Ўзбекистон мусылмонлар идораси, мутаассадди ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини тақомиллаштириш дастури тасдиқланган бўлиб, мазкур дастур бўйича белгиланган тадбирлар ижросининг таъминланиши ҳам мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.



Молиявий фирибгарликлар сабаб

Голландия қиролик футбол иттифоқи "Твенте" профессионал клуб лицензиясини сақлаб қолиши, бироқ Голландия иккинчи дивизионига бадарга қилинишини маълум қилди.

2015 йилнинг декабрь ойида "Твенте" клубини уч мавсумга еврокубоклардан четлатиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бунга хусусий Doyen Sports инвестфонди билан ҳамкорликда футболчиларнинг трансферлари юзасидан молиявий фирибгарликлар амалга оширилгани сабаб қилиб кўрсатилган эди.

Бундан ташқари, клуб 45 минг 250 евро микдорда жаримага тортилиши ҳақида хабар берилган эди.

Клуб раҳбарлари бир неча ой давомида лицензиялаштириш бўйича комиссия вакиллари билан биргаликда иш олиб борди. Бироқ "Твенте" клубининг барча қоидабузарликларини бартараф этиш имкони бўлмади.

2015-2016 йилги мавсум якунига кўра, "Твенте" жамоаси 40 очко жамғариб, Голландия чемпионатида 13-ўринни эгаллади.



Мэнни Пақьяо Филиппин сенатори бўлди

Саккизта вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Мэнни Пақьяо Филиппин Сенати аъзоси этиб сайланди. Бу ҳақда Associated Press хабар қилди.

37 ёшли спортчи 15,5 миллиондан ортиқ овоз тўплади ва Сенатдан жой олишга муваффақ бўлган 12 кишининг ичиди 7-ўринни эгаллади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Пақьяо 12 ёшдан бокс билан шуғулланибди. Унинг боксчилик фаолияти 21 йилдан буён давом этиб келмоқда. Шу вақт давомида у 66 та жанг ўтказиб, 58 тасида ғалабага эришган (38 таси нокаут билан) 6 бор мағлубиятга учраган ва 2 та жангни дуранг билан якунлаган. Биринчи марта жаҳон чемпиони макomini 18 йил аввал, 50,8 килограммгача бўлган вазн тоифасида кўлга киритган. Кейинчалик янада оғирроқ вазн тоифаларида энг кучли унвонига эришган. Фаолияти давомида боксчи 500 миллион доллар даромад қилган.

Америкалик боксчи Флойд Мэйвэзер билан ўтган йилнинг май ойида бўлиб ўтган жанг филиппинлик боксчи карьерасининг чўққиси бўлган — ўшанда у 100 миллион доллардан ортиқ фойда кўрган. Ўша жангда у очколар бўйича мағлуб бўлган, кейинроқ эса жароҳатланган елкаси билан жанг қилганини эълон қилган. Шундан кейин жарроҳлик амалиётини бошидан кечирди, узоқ даволанди ва рингга чиқмади. 9 апрель кунги америкалик Тимоти Брэдли билан бўлган жангда очколар бўйича ғолиб бўлган, Пақьяо май ойида боксчилик фаолиятига яқун ясаши мумкинлигини эълон қилди.

Ван Бастеннинг таклифи

Голландия терма жамоасининг собиқ футболчиси ва бош мураббийи ҳисобланмиш Марко ван Бастен футбол қоидаларига киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар ҳақидаги фикрларини билдириб ўтди.

"Футболда вақтни чўзиш ҳаракатлари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бундан кутулиш учун қоидаларга ўзгартиришлар киритиш зарур. Келинг, агар футболчилар алмаштирилаётганида ўйин вақтини чўзишга ҳаракат қилишса, уларга қизил карточка кўрсатайлик. Ўйин tempi бир маромда сақланиб қолиши керак.



Футбол адолатли, ҳаққоний ва жозибдор бўлиб қолиши керак. Футболнинг ривожини уни олиб келган бугунги кўринишига қаранг. Замонамиз футболининг гандболдан фарқи қолмапти: 11 нафар футболчи ўз жарима майдончасига қамалиб, ҳимояланиш билан банд бўлади.

Биз офсайд қоидаларидан ҳам кутулишимиз мумкин. У ўйинни қийинлаштиради ва кўп муҳокамаларга сабаб бўлади. Футболчилар сунъий офсайдлар яратишга одатланиб қолишган.

Футбол ўзгариб кетди. 50 йил олдин футболни иштиёқ билан, кўнгилдан берилиб ўйнашган, аммо эндиликда бу катта маблағлар келтирадиган бизнесга айланди.

Умид қиламанки, Россияда бўлиб ўтadиган 2018 йилги жаҳон чемпионатида видеохакамлар бўлади. Бу хакамлар ҳал қилувчи вазиятларда ёрдам беради — голлар, пенальтилар ва четлатишлар", — дейди ван Бастен.


Қамоқхонада сартарошлик

Англиянинг "Сандерленд" жамоаси собиқ футболчиси, вояга етмаган қиз билан иккинчи муносабатда бўлгани учун 6 йилга қамадан Адам Жонсон қамоқхонада сартарошлик қилмоқда. Бу ҳақда The Sun нашри хабар берган.

Хабарда келтирилишича, 28 ёшли Жонсон кунига 6 соатдан ишлаб, ҳафтасига 20 фунт ишлаб толмоқда.

Бундан олдинроқ Англия терма жамоасининг собиқ аъзоси Лидс қамоқхонадагилар унинг ҳаётига таҳдид солишгандан кейин Донкастердаги қамоқхонага кўчирилган.

Маълумот учун, футболчи "Сандерленд" лигалида ҳафтасига 60 минг фунт ишлаб толган.



Луи ван Гал истеъфога чиқарилди

Ва ниҳоят бир неча ойлardan буён давом этаётган машаа якунланди. Хабарингиз бор, Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби бош мураббийи Луи ван Галнинг жамоадан кетиши, унинг ўрнига Жозе Моуриньонинг келиши борасида турии миш-мишлар тарқалган.

Жозенинг келиши, баъзи манбаларда ван Галнинг клубдаги фаолиятини давом эттириши ҳақидаги гап-сўзлар узоқ давом этди. Энди эса барчасига узил-кесил нуқта қўйилди. Луи ван Галнинг клубни тарқ этаётгани эълон қилинди.

Маълумотларга қараганда, манкунианликлар устози Луи ван Гал расман жамоа билан хайрлашди. Энди унинг ўрнини португалиялик мутахассис эгаллайди. "Луи ва унинг мураббийлар штабига икки йиллик меҳнат учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Мутахассис фаолиятининг энг юқори чўққиси Англия кубогининг 12-март кўлга киритилиши бўлди.

Бу вақт давомида Луи профессионал ва муносиб ишлади. У жамоани тарқ этмоқда, аммо бир неча ёш футболчиларга юқори савияда ўзларини кўрсатиш учун имконият берилганини таъкидлаш лозим.

Клуб унга келажакда энг яхши тилакларини билдиради", — дея баёнот берди "МЮ" вице-президенти Эд Вудворд.

«Милан» Балотеллини сотиб олмоқчи эмас

Италиянинг "Милан" жамоаси раҳбарияти Англиянинг "Ливерпуль" клубига тегишли бўлган футболчи Марио Балотеллининг трансфер ҳуқуқини сотиб олмаслигини маълум қилди.

Марио Балотелли "Ливерпуль" жамоаси ижара муддатини чўзиб берган тақдирдагина "Милан" клуби тарқибда қолиш имконига эга бўлади. 25 ёшли ҳужумчи ўтган мавсумда турли мусобақалар доирасида 23 та учрашув ўтказиб, атғи учта гол урди.

Каттнер ўз лавозимидан бўшатилади

ФИФА бош қотиби ўринбосари Маркус Каттнер ўз лавозимидан бўшатилади, деб хабар бермоқда ташкилот расмий сайти.

"Бош қотиб ўринбосари Маркус Каттнер ўз мажбуриятларидан озод этилди. ФИФА ички терговчи Каттнер эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ ўз мажбуриятларини баҳаришда қоидабузарликка йўл қўйганини аниқлади. ФИФА тафсилотларга берилмайди, бироқ тегишли идоралар билан ҳамкорликни давом эттиради", дейилмоқда хабарда.

Каттнер январда футбол фаолиятдан 12 йилга четлатилган Жером Вальке ўрнига ФИФА бош қотиби лавозимини вақтинчалик эгаллаб турган эди.

Интернет хабарлари асосида Максудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси бош прокуратура бошқарма прокурори Хуришд-жон Эркиновга палари бузруквори Эркин ПАРДАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
**Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonani manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma s-6047. 43 711 nusxada bosildi.
Oqoz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobeq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbachi muharrir: M.DUSIYAROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbachi: O' DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2008-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004